

V. ИНВЕСТИЦИЯ ВА ҚУРИЛИШ ИШЛАРИ

2020 йилнинг январь-март ойларида Ўзбекистон Республикасида иқтисодий ва ижтимоий соҳаларни ривожлантириш учун жами молиялаштириш манбалари ҳисобидан 33,4 трлн. сўм, (доллар эквивалентида 3,5 млрд. АҚШ долл.) ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 89,8 % асосий капиталга инвестициялар ўзлаштирилди.



2020 йилнинг январь-март ойларида инвестицион фаолликни пасайиши кузатилди, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг ўсиш суръати 89,8 % ни ташкил этди.

2020 йил январь-март ойларида 33,4 трлн. сўм асосий капиталга инвестициялар ўзлаштирилди, улардан 63,9 % и ёки 21,4 трлн. сўм жалб қилинган маблағлар ҳисобидан, қолган 36,1 % и ёки 12,0 трлн. сўм корхона ва аҳолининг ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштирилди.

Таққослаш учун - 2020 йилнинг январь-март ойларида Ялпи ички маҳсулотга нисбатан асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар – 30,2 % ни ташкил этиб, 2019 йилдаги кўрсаткичига нисбатан 4,9 % пунктга камайди.

Мазкур кўрсаткич 2018 йил январь-март ойларида 28,1 % ни ҳамда 2019 йилда – 35,1 % ни ташкил этган.

Марказлашган молиялаштириш манбалари ҳисобидан 8430,1 млрд. сўм ёки жами инвестициялар ҳажмининг 25,3 % и ва ўтган йилдаги кўрсаткичга нисбатан 13,0 % пунктга кам асосий капиталга инвестициялар ўзлаштирилди.


Мос равишда, марказлашмаган молиялаштириш манбалари ҳисобидан 24957,2 млрд. сўм ёки жами ҳажмдан 74,7 % инвестициялар ўзлаштирилган бўлиб, бу

кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 13,0 % пунктга кўпайди.

2020 йил январь-март ойларида корхона ва ташкилотларнинг ўз маблағлари ҳисобидан 8666,6 млрд. сўм асосий капиталга инвестициялар ўзлаштирилган бўлиб, жами инвестицияларнинг 26,0 % ини ташкил этди. Аҳоли маблағлари ҳисобидан эса 3376,0 млрд. сўм ёки 10,1 % ўзлаштирилди.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобидан 3648,9 млрд. сўм ўзлаштирилиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 3,2 % пунктга кўпайиб, 10,9 % ни ташкил этди.

**Асосий капиталга ўзлаштирилган
инвестицияларнинг ўсиш суръатлари
(% да)**



2020 йилнинг январь-март

ойларида жами асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг асосий қисми, яъни 56,2 % и республиканинг тўртта ҳудудида, жумладан, Тошкент шаҳрида – 22,0 %, Қашқадарё вилоятида – 14,3 %, Навоий вилоятида – 10,4 % ва Тошкент вилоятида – 9,5 % ўзлаштирилган.


Ҳудудларда асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг юқори ўсиш суръатлари қуйидаги ҳудудларда кузатилди:

Жиззах вилоятида 163,6 %, (асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми 1619,5 млрд. сўм), Сирдарё вилоятида - 137,7% (1061,4 млрд. сўм), Сурхондарё вилоятида - 128,0 % (1657,2 млрд. сўм), Хоразм вилоятида - 123,8 % (807,6 млрд. сўм).

Инвестицион фаолликни паст даражалари Навоий ва Наманган вилоятларида кузатилиб, уларда ўсиш суръатлари 65,2 % ни ташкил этди. (мос равишда инвестициялар ҳажми 3462,7 ва 2144,2 млрд. сўм).

Тошкент шаҳри ва Қашқадарё вилоятларида кузатилган республикадаги юқори улуш (36,2 %) ва инвестицияларнинг паст ўсиш суръатлари (96,8 ва 81,5 %), Ўзбекистон Республикаси бўйича жами асосий капиталга инвестицияларнинг ўсиш суръатларини паст бўлишига сезиларли таъсир кўрсатди.


Аҳоли жон бошига тўғри келадиган асосий капиталга инвестициялар



2020 йилнинг январь - март ойларида аҳоли жон бошига ҳисобланган асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми бўйича юқори кўрсаткичлар Навоий вилоятида – 3466,9 минг сўм (ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 64,0 %), Тошкент шаҳрида – 2850,7 минг сўм (ёки 94,4 %), Қашқадарё вилоятида – 1448,9 минг сўм (ёки 79,8 %), Сирдарё вилоятида – 1251,7 минг сўм (ёки 135,0 %), Жиззах вилоятида – 1169,1 минг сўм (ёки 160,1 %), Тошкент вилоятида – 1075,5 минг сўм (ёки 94,5 %), Бухоро вилоятида – 801,9 минг сўм (ёки 84,2 %) ва Наманган вилоятида 761,3 минг сўм (ёки 63,8 %) қайд этилди.

Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга инвестициялар
(2020 йил январь-март)

	<i>Инвестициялар ҳажми, млрд. сўм</i>	<i>Ўсиш суръати, % да</i>	<i>Жамига нисбатан % да</i>
Асосий капиталга инвестициялар	33387,3	89,8	100,0
<i>шу жумладан:</i>			
Марказлашган инвестициялар	8430,1	59,2	25,3
бюджет маблағлари	1358,1	57,1	4,1
сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш жамғармаси	137,1	95,5	0,4
тикланиш ва тараққиёт жамғармаси	928,8	29,8	2,8
Ўзбекистон Республикаси кафолати остида хорижий кредитлар	6006,1	69,8	18,0
Марказлашмаган инвестициялар	24957,2	108,9	74,7
корхона маблағлари	8666,6	99,4	26,0
аҳоли маблағлари	3376,0	94,6	10,1
тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар	8594,1	2,3 м.	25,7
<i>улардан:</i>			
<i>тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар</i>	3648,9	127,9	10,9
тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	4320,5	63,0	12,9



Марказлашган молиялаштириш манбалари таркибида Республика бюджети ҳисобидан 1358,1 млрд. сўм (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 57,1 %), сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш жамғармаси – 137,1 млрд. сўм (95,5 %), Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси – 928,8 млрд. сўм (29,8 %), Ўзбекистон Республикаси кафолати остида хорижий кредитлар – 6006,1 млрд. сўм (69,8 %) инвестициялар ўзлаштирилди.

Асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг марказлашган молиялаштириш манбалари



Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан Ўзбекистон Республикаси давлат кафолати остидаги хорижий кредитлар ҳисобидан ўзлаштирилган инвестициялар улуши 5,1 % пунктга камайди.

2020 йилда Ўзбекистон Республикаси давлат кафолати остидаги хорижий кредитлар ҳисобидан амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари қуйидагилар:

➤ тозаланган метан асосида синтетик суюқ ёқилги ишлаб чиқаришга мўлжалланган Шўртан газ-кимё мажмуаси қурилиши;

➤ углеводородлар қазиб чиқаришни 2017-2021 йилларда кенгайтириши Дастури;

➤ магистрал тармоқлар подстанцияларини модернизация ва реконструкция қилиши;

➤ Наманган вилояти Тўрақўрғон туманида иссиқлик электр станцияси қурилиши;

➤ Тахиатош ИЭС – қуввати 230-280 МВт бўлган иккита буг-газ қурилмаси қурилиши (Иккинчи буг-газ қурилмасини ишга тушириши);

➤ Электр энергияси истеъмолини ҳисоблаш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий қилиши: Бухоро, Жиззах ва Самарқанд вилоятларида 0,4 кВ электр энергиясини истеъмолини ҳисоблаш тизими;

➤ “Фарход ГЭС” УК ни модернизация қилиши (II фаза);

➤ “Шарғун кўмир” АЖ – лойиҳа қувватини йилига 900 минг тонна тош кўмирга етказиши бўйича модернизация қилиши;

➤ Локомотивлар сотиб олиш билан локомотивлар паркинни янгилаш;

➤ Жанубий Қорақалпоғистонда сув ресурслари бошқарувини яхшилаш.

Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳисобидан иқтисодиётнинг нефт-газ, энергетика тармоқларига ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми 928,8 млрд. сўмни (доллар эквивалентида 97,5 млн. АҚШ доллари) ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 29,8 % ни ташкил қилди.

2020 йилнинг январь-мартида Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилган йирик инвестиция:

➤ “Ёшлик I” конини ўзлаштириши, Олмалиқ ш., Тошкент вилояти;

➤ Тошкент шаҳрида ерусти халқа метро линияси қурилиши;

➤ “Мурунтау” карьерига ишлов бериши (V навбат) II босқич;

➤ “Навоийазот” АЖ да аммиак ва карбамид ишлаб чиқариши бўйича қурилиш ишлари;

➤ Техноген чиқиндиларни қайта ишлаш мажмуаси қурилиши I-II босқичлар.

Асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг марказлашмаган молиялаштириш манбалари



Марказлашмаган инвестицияларнинг молиялаштириш манбалари асосан тўғридан-тўғри ва кафолатланмаган хорижий кредитлар (жами инвестициялар ҳажмига нисбатан 25,7 %), корхоналарнинг ўз маблағлари (26,0 %) ҳисобидан амалга оширилди.

Тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлари ҳисобидан Намунавий лойиҳалар асосида шаҳар ва қишлоқ жойларда турар жойлар қурилиши бўйича йирик давлат аҳамиятидаги ижтимоий инвестиция лойиҳаси амалга оширилди.

Тўғридан-тўғри ва кафолатланмаган хорижий кредитлар ҳисобидан қуйидаги йирик инвестиция лойиҳалари амалга оширилди:

➤ *Замонавий газни қайта ишлаш заводи қурилиши билан Қандим конлар гуруҳини ўзлаштириши, Хаузак ва Шоди конларини ўзлаштириши, шунингдек, маҳсулот тақсимоти келишуви асосида Қўнғирот ҳудудида геологик-қидирув ишларини олиб бориши;*

➤ *Маҳсулот тақсимоти келишуви асосида Жанубий-Фарбий Хисор ва Устюрт ҳудудида углеводород қазиб олиши ва конларга ишлов бериши;*

➤ *Ўзбекистон Республикаси инвестиция блокларида нефт-газ конларига ишлов бериши ва геологик-қидирув ишларини олиб бориши (Қултоқ-Қамаши, Муборак, Сурхон, Ашибулоқ ва Косқудик, Фарбий Фарогона инвестиция блоклари);*


➤ Маҳсулот тақсимоти келишуви асосида Сурхондарё вилоятида “Мустақилликнинг 25 йиллиги” кониға ишлов бериш ва қидирув ишларини яқунлаш билан газ-кимё мажмуаси қурилиши;

➤ Ауминзо-Амантой конлари ҳудудида олтин мавжуд конларни қайта ишлаш ва қазиб чиқариш конини қуриш I-II босқич ва б.

Давлат бюджети маблағларининг жами асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар ҳажмидаги улуши 4,1 % ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 2,3 % пунктга камайди.

Давлат бюджети маблағлари Ўзбекистон Республикаси инфратузулмасини ривожлантириши, ижтимоий соҳани қўллаб-қувватлаш ва турмуш тарзини яхшилаш мақсадлардаги манзилли инвестиция дастурини бажаришига йўналтирилди.

2020 йил январь–март ойларида иқтисодиётнинг нодавлат секторида 27832,4 млрд. сўм асосий капиталга инвестициялар ўзлаштирилди. Мазкур кўрсаткич жами инвестициялар ҳажмида Ўзбекистон Республикаси бўйича 83,4 % ни ташкил этди, шунингдек, Қашқадарё вилоятида – 98,0 % га етди, Сурхондарё вилоятида – 94,9 %, Тошкент вилоятида – 94,5 %, Сурхондарё вилоятида – 93,2 %, Наманган вилоятида – 92,7 %, Андижон вилоятида – 91,8 %, Жиззах вилоятида – 91,1 % ни ташкил этди.



**Асосий капиталга инвестицияларнинг молиялаштириш
манбалари бўйича таркиби**

	Жами инвестициялар, млрд. сўм	шу жумладан, молиялаштириш манбалари бўйича: (жамига нисбатан, % да)						
		Республика бюджети	Корхона ва аҳоли маблағи	Аҳоли	Хорижий инвестиция ва кредитлар	Сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш эсагармаси	Тўқиланиш ва тараққиёт эсагармаси	Тўжорат банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари

Ўзбекистон Республикаси¹⁾	33387,3	4,1	26,0	10,1	43,7	0,4	2,8	12,9
Қорақалпоғистон Республикаси	1284,9	7,9	33,4	12,4	23,8	1,2	1,3	20,0
<i>вилоятлар:</i>								
Андижон	1198,8	4,8	22,2	14,5	40,2	0,5	-	17,8
Бухоро	1544,9	3,8	16,6	21,0	40,1	0,0	-	18,5
Жиззах	1619,5	5,1	9,5	9,7	69,2	0,9	-	5,6
Қашқадарё	4762,6	0,7	10,0	6,3	80,9	0,5	-	1,6
Навоий	3462,7	0,4	9,9	6,3	60,1	0,2	19,0	4,1
Наманган	2144,2	3,2	20,9	12,4	48,0	-	-	15,5
Самарқанд	1530,7	4,3	29,2	20,6	22,8	1,3	-	21,8
Сурхондарё	1657,2	3,8	14,9	15,7	50,6	0,4	-	14,6
Сирдарё	1061,4	2,8	15,2	4,3	52,3	0,5	-	24,9
Тошкент	3169,2	3,1	36,4	10,1	31,7	0,5	5,7	12,5
Фарғона	1724,7	5,3	22,3	19,6	31,7	0,4	-	20,7
Хоразм	807,6	2,9	31,4	24,5	24,2	-	-	17,0
Тошкент ш.	7352,7	7,1	49,3	4,1	22,0	0,2	1,0	16,3

2020 йилнинг январь-мартида давлат бюджети маблағларининг асосий қисми Қорақалпоғистон Республикаси (давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилган жами инвестицияларнинг 7,9 % и), Тошкент (7,1 %), Фарғона (5,3 %), Жиззах (5,1 %) ва Андижон вилоятларида (4,8 %) ўзлаштирилди.

¹⁾ Ҳудудлар бўйича тақсимланмайдиган ҳажмни қўшган ҳолда

Куйидаги ҳудудлар бўйича тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлари ҳисобидан салмоқли инвестициялар ўзлаштирилди:

Сирдарё вилоятида - жами асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг 24,9 % и, мос равишда, Самарқанд вилоятида – 21,8 %, Фарғона вилоятида – 20,7 %, Қорақалпоғистон Республикасида – 20,0 % ва Бухоро вилоятида – 18,5 %.

**Асосий капиталга инвестицияларнинг мулкчилик шакллари
бўйича технологик таркиби
(2020 йил январь-март)**

	Жами	жамига нисбатан % да:	
		Давлат	Нодавлат
Жами, млрд. сўм	33387,3	100,0	100,0
<i>шу жумладан:</i>			
Қурилиш – монтаж ишлари	13425,3	52,5	37,8
Машина, ускуна, инвентар	17151,5	33,1	55,0
Бошқа харажатлар	2810,5	14,4	7,2

**Асосий капиталга инвестицияларнинг
технологик таркиби динамикаси, жамига нисбатан % да**



Асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг технологик таркибида республика бўйича қурилиш – монтаж ишларининг улуши – 40,2 % ни, машина, ускуна ва инвентар сотиб олишга харажатлар – 51,4 % ҳамда бошқа харажатлар улуши – 8,4 % ни ташкил этди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича асосий капиталга инвестицияларнинг ўзлаштирилиши: қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида 3182,5 млрд. сўм

(жами инвестициялар ҳажмидаги улуши 9,5 %), тоғ – кон саноатида 4295,5 млрд. сўм (12,9 %), хом нефт ва табиий газ қазиб чиқариш -3230,0 млрд. сўм (9,7 %), қайта ишлаш саноати - 11837,3 млрд. сўм (35,5 %), шу жумладан бошқа нометал минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш - 2428,9 млрд. сўм (7,3 %), металлургия саноати 2419,6 млрд. сўм (7,2 %), тўқимачилик ва кийим - кечак маҳсулотларини ишлаб чиқариш - 2198,8 млрд.сўм (6,6 %), электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш - 2429,0 млрд. сўм, (7,3 %), сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш - 447,6 млрд. сўм, (1,3 %), қурилиш - 1214,8 млрд. сўм (3,6 %), ташиш ва сақлаш - 1421,2 млрд. сўм (4,3 %), улгуржи ва чакана савдо, моторли транспорт воситалари ва мотоциклларни таъмирлаш - 1404,0 млрд. сўм (4,2%), ахборот ва алоқа - 446,2 млрд. сўм (1,3 %), профессионал, илмий ва техник фаолият - 315,3 млрд. сўм (0,9 %), таълим - 397,6 млрд. сўм (1,2 %), яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар 407,1 млрд. сўм (1,2 %), молиявий ва суғурта фаолияти – 375,2 млрд. сўм (1,1 %), соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш – 822,6 млрд. сўм (2,5 %), санъат, кўнгил очиш ва хордиқ – 409,6 млрд. сўм (1,2 %), жами иқтисодий фаолият турларидан ташқари турар жой қурилишида - 2512,2 млрд. сўм (7,5 %) ва бошқа иқтисодий фаолият турларида - 1469,6 млрд. сўм (4,5 %) инвестициялар ўзлаштирилди.

Асосий капиталга инвестицияларнинг такрор ишлаб чиқариш таркиби

(2020 йил январь-март)


	Жами асосий капиталга инвестициялар, млрд.сум	Жамига нисбатан % да:		
		янги қурилиш	кенгайтириш, реконструкция модернизация	бошқа йўналишлар
Ўзбекистон Республикаси ¹⁾	33387,3	45,5	27,2	27,3
Қорақалпоғистон Республикаси	1284,9	39,3	30,3	30,4
<i>вилоятлар:</i>				
Андижон	1198,8	20,2	64,7	15,1
Бухоро	1544,9	52,9	32,5	14,6
Жиззах	1619,5	12,5	13,4	74,1
Қашқадарё	4762,6	39,3	11,9	48,8
Навоий	3462,7	78	18,2	3,8
Наманган	2144,2	65,8	28,1	6,1
Самарқанд	1530,7	39,9	41,2	18,9
Сурхондарё	1657,2	50,6	34,1	15,3
Сирдарё	1061,4	15,7	48,2	36,1
Тошкент	3169,2	58,5	28,5	13,0
Фарғона	1724,7	54,9	23,1	22,0
Хоразм	807,6	54,6	32,2	13,2
Тошкент ш.	7352,7	34,3	28,9	36,8

¹⁾ Ҳудудлар бўйича тақсимланмайдиган ҳажмни қўшган ҳолда

2020 йилнинг январь - мартда корхона ва ташкилотларнинг кенгайтириш, реконструкция, модернизация қилиш ва техник қайта қуроллантиришга йўналтирилган асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми республика бўйича – 9093,0 млрд. сўмни ташкил этди.

Мазкур кўрсаткич бўйича юқори натижалар Андижон вилоятида – 64,7 % (775,3 млрд. сўм), Сирдарё вилоятида – 48,2 % (511,9 млрд. сўм), Самарқанд вилоятида – 41,2 % (631,3 млрд. сўм), Сурхондарё вилоятида – 34,1 % (564,6 млрд. сўм), Бухоро вилоятида – 32,5 % (501,7 млрд. сўм) ва Хоразм вилоятида – 32,2 % (260,2 млрд. сўм) кузатилди.

Республика бўйича асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг такрор ишлаб чиқариш таркибида янги қурилишнинг улуши 45,5 % ни, модернизация қилиш, техник ва технологик қайта қуроллантириш ҳамда кенгайтиришга йўналтирилган инвестицияларнинг улуши 27,2 % ни ҳамда бошқа йўналишларга инвестицияларнинг улуши 27,3 % ни ташкил қилди.



- Янги қурилиш
- Кенгайтириш, реконструкция, модернизация
- Бошқа йўналишлар

Асосий капиталга ўзлаштирилган хорижий инвестиция ва кредитлар

2020 йилнинг январь-мартда 14600,2 млрд. сўм (доллар эквивалентида 1,5 млрд. АҚШ долл.) ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 17,9 % кўп асосий капиталга хорижий инвестиция ва кредитлар ўзлаштирилди.



Хорижий инвестиция ва кредитларнинг жами асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялардаги улуши – 43,7 % ни ташкил этди.

Хорижий инвестиция ва кредитлар таркибида хорижий инвестициялар 4104,6 млрд. сўмни ва мос равишда хорижий кредитлар 10495,6 млрд. сўмни ташкил қилди.

Ўзлаштирилган жами хорижий инвестиция ва кредитларнинг 3648,9

млрд. сўмини тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ташкил этди, Ўзбекистон Республикаси давлат кафолати остидаги хорижий кредитлар 6006, млрд. сўмни, бошқа хорижий инвестициялар ва кафолатланмаган кредитлар 4945,2 млрд. сўмни ташкил этди.

Хорижий инвестиция ва кредитларнинг ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 117,9 % ни ташкил этди.

**Асосий капиталга ўзлаштирилган хорижий
инвестиция ва кредитлар**

	Жами	Шу жумладан:		
		тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар	ЎЗР кафолати остида хорижий кредитлар	бошқа хорижий инвестиция ва кредитлар
Ўзбекистон Республикаси	14600,2	3648,9	6006,1	4945,2
Қорақалпоғистон Республикаси	305,2	54,7	176,9	73,6
<i>вилоятлар:</i>				
Андижон	482,1	154,2	69,3	258,6
Бухоро	619,8	284,5	167,6	167,7
Жиззах	1121,4	438,2	19,5	663,7
Қашқадарё	3852,6	359,5	2895,3	597,8
Навоий	2082,4	111,4	930,6	1040,4
Наманган	1029,4	114,9	294,9	619,6
Самарқанд	348,6	97,5	103,1	148,0
Сурхондарё	838,6	345,4	98,0	395,2
Сирдарё	555,1	203,5	300,3	51,3
Тошкент	1004,9	615,2	237,9	151,8
Фарғона	546,6	322,9	20,3	203,4
Хоразм	195,4	34,3	130,0	31,1
Тошкент ш.	1618,1	512,7	562,4	543,0


Қайта ишлаш саноатида хорижий инвестиция ва кредитлар салмоқли ҳажмда ўзлаштирилиб, 6481,5 млрд. сўмни ёки жами инвестицияларнинг 44,4 % ини ташкил этди. Шунингдек, унинг таркибида бошқа нометалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш фаолият турида 11,3 % ёки 1648,3 млрд. сўм, металлургия саноатида 11,0 %

ёки 1610,5 млрд. сўм, тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича 5,7 % ёки 831,0 млрд. сўм инвестициялар ўзлаштирилди.

Тоғ-кон саноатида бу кўрсаткич 2813,2 млрд. сўмни ёки жами хорижий инвестиция ва кредитларнинг 19,3 % и қайд этилди.

Электр, газ, буг билан таъминлаш, ҳавони кондициялаш каби фаолият турида 1965,7 млрд. сўм ёки 13,5 % хорижий инвестиция ва кредитлар ўзлаштирилди.

**Айрим иқтисодий фаолият турлари бўйича хорижий
инвестиция ва кредитлар таркиби**
(жамига нисбатан % да)



Ижтимоий соҳа объектларининг қурилиши

2020 йилнинг январь-мартида умумий майдони 2372,2 минг кв.м турар-жойлар ишга туширилиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 101,5 % ни ташкил этди, улардан 98,9 % и ёки 2347,0 минг кв.м турар жойлар якка тартибда қурилган бўлиб, 21,3 минг кв.м ёки 0,9 % и намунавий лойиҳалар асосида қурилган турар-жойлар, 3,9 минг кв.м ёки 0,2 % бошқа хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ишга туширилган турар-жойларни ташкил этди.

Жорий даврда турар жой қурилишида жами 2377,2 млрд. сўм инвестициялар ўзлаштирилиб, улардан Республика бюджети ҳисобидан 35,1 млрд. сўм, корхона ва ташкилотнинг ўз маблағлари ҳисобидан 17,6 млрд. сўм, аҳоли маблағлари ҳисобидан 2059,0 млрд. сўм ва бошқа молиялаштириш манбалари ҳисобидан 265,5 млрд. сўмни ташкил этди.



Республика бўйича жами 79,3 км сув тармоғи, 21,2 км газ тармоғи ва 5040 ўқувчи ўрнига мўлжалланган мактаблар ишга туширилди.

Сув тармоғи қурилишида жами 33430,3 млн. сўм газ тармоғи 846,2 млн. сўм ва 95164,3 млн. сўм мактаблар қурилишида инвестициялар ўзлаштирилди.

Фойдаланишга топширилган турар жойлар

	Ишга туширилди, жами		Улардан: якка тартибдаги турар жойлар	
	минг кв.м	ўсиш суръати, % да	минг кв.м	ўсиш суръати, % да
Ўзбекистон Республикаси¹⁾	2372,2	101,5	2347,0	108,7
Қорақалпоғистон Республикаси	144,3	66,7	144,3	66,7
<i>вилоятлар:</i>				
Андижон	97,8	117,4	97,8	117,5
Бухоро	244,5	128,0	244,5	128,0
Жиззах	122,1	103,2	122,1	103,2
Қашқадарё	198,1	89,4	198,1	110,4
Навоий	116,4	117,2	116,4	125,7
Наманган	200,9	131,7	197,0	172,2
Самарқанд	148,2	85,9	148,2	132,1
Сурхондарё	272,6	129,5	251,3	119,4
Сирдарё	25,9	58,1	25,9	80,7
Тошкент	325,0	111,1	325,0	111,1
Фарғона	255,4	104,2	255,4	109,7
Хоразм	107,5	111,4	107,5	111,4
Тошкент ш.	113,5	60,7	113,5	60,7


Қурилиш ишлари



Жорий йилнинг январь-март ойларида Ўзбекистон Республикасида жами 15 462,4 млрд. сўм қурилиш ишлари бажарилиб, ўсиш суръати 2019 йилнинг январь – март ойларига нисбатан 106,5 % ни ташкил этди.


¹⁾ Ҳудудлар бўйича тақсимланмайдиган ҳажмни қўшиган ҳолда

Қурилиш ишлари ҳажми йирик қурилиш ташкилотлари, кичик корхона ва микрофирмалар ҳамда норасмий секторларда амалга оширилган ишлар таркиби бўйича шаклланади.




Маълумот учун: қурилиш ишлари ҳажми бу - ўз кучи билан бажарилган қурилиш ишлари, янги қурилиш, капитал ва жорий таъмирлаш ҳамда бошқа пудрат қурилиш ишлари натижасидир.

2020 йил 1 апрель ҳолатига кўра қурилиш соҳасида корхона ва ташкилотлар сони 37,5 мингтани ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 118,9% га ошди.



Жами қурилиш соҳасидаги корхона ва ташкилотлар сони кўпайишининг асосий омили бу бино ва иншоотлар қуришда ўтган йилга нисбатан 118,6 % га (жами қурилишдаги улуши 60,8 %), фуқаролик объектларини қуриш 110,9 % га (жами қурилишдаги улуши 8,5 %), ихтисослаштирилган қурилиш ишлари 121,8 % га (жами қурилишдаги улуши 30,7 %) ўсишидир.

Жорий йил январь - март ойларида, йирик қурилиш ташкилотлари томонидан бажарилган қурилиш ишлари ҳажми 4 290,0 млрд. сўмни ташкил этди. 2019 йилнинг январь - март ойларига нисбатан 5,0 % га кўп бажарилган бўлиб, жами қурилиш ишлари ҳажмидаги улуши 2019 йилнинг мос давридаги кўрсаткич даражасидан 0,5 % пунктга камайиб, 27,7 % ни ташкил этди.



Йирик қурилиш ташкилотлари томонидан бажарилган қурилиш ишларининг жами қурилиш ишлари ҳажмидаги энг кўп улуши Навоий (ҳудуддаги жами қурилиш ишлари ҳажмининг 27,3 % и ёки 2019 йилнинг январь-март ойига нисбатан 115,8 %), Тошкент шаҳар (ҳудуддаги жами қурилиш ишлари ҳажмининг 24,9 % и ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 109,7 %), ва Наманган вилоятлари (ҳудуддаги жами қурилиш ишлари ҳажмининг 19,4 % и, ёки 2019 йилнинг январь-март ойига нисбатан 7,7 марта кўп) га тўғри келди.

Қурилиш ишлари умумий ҳажмида кичик корхона ва микрофирмаларнинг улуши



Кичик корхона ва микрофирмалар томонидан бажарилган қурилиш ишлари ҳажми 2020 йил январь - март ойларида қурилиш ишларини бажарган бошқа ташкилотларга нисбатан ошганлиги кузатилди. Улар ҳиссасига жами қурилиш ишлари ҳажмининг 52,5 % и тўғри келиб, 2019 йилнинг январь-март ойлари кўрсаткичига нисбатан 2,1 % пунктга кўпайди. Шунингдек, улар ҳиссасига тўғри келган қурилиш ишлари ҳажми 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 110,8 % ни ташкил этган ҳолда 8 117,5 млрд. сўм миқдоридан қайд этилди.



Норасмий сектор ҳиссасига тўғри келган қурилиш ишлари улуши ўтган йилдаги кўрсаткичга нисбатан 1,7 % пунктга камайиб, 19,8 % ни ташкил этди ва 3054,9 млрд. сўм миқдорига қайд этилди. 2019 йилнинг январь-март ойларига нисбатан 98,4 % ни ташкил этди.

Давлат мулкчилигидаги ташкилотлар томонидан жами 614,5 млрд. сўм ёки 2019 йилнинг январь-март ойларига нисбатан 84,7 % қурилиш ишлари бажарилди. Нодавлат мулкчилигидаги ташкилотлар томонидан эса 14 847,9 млрд. сўм қурилиш ишлари бажарилиб, ўсиш суръати 107,7 % ни ташкил этди. Уларнинг республикадаги тутган улуши мос равишда 4,0 % ва 96,0 % ни ташкил этди.

Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ишлари

	Жами, млрд. сўм	шу жумладан, мулкчилик шакллари бўйича, жами ҳажмга нисбатан % да	
		давлат	нодавлат
Ўзбекистон Республикаси¹⁾	15 462,4	4,0	96,0
Қорақалпоғистон Республикаси	664,8	2,2	97,8
вилоятлар:			
Андижон	791,7	5,7	94,3
Бухоро	918,6	5,2	94,8
Жиззах	481,9	4,1	95,9
Қашқадарё	1058,6	4,6	95,4
Навоий	701,7	24,9	75,1
Наманган	690,0	4,2	95,8

¹⁾ Ҳудудлар бўйича тақсимланмаган ҳажмни қўшган ҳолда.

давоми

	Жами, млрд. сўм	шу жумладан, мулкчилик шакллари бўйича, жами ҳажмга нисбатан % да	
		давлат	нодавлат
Самарқанд	838,9	1,1	98,9
Сурхондарё	841,2	1,9	98,1
Сирдарё	293,4	5,4	94,6
Тошкент	951,6	2,5	97,5
Фарғона	990,1	4,3	95,7
Хоразм	532,7	6,1	93,9
Тошкент ш.	3325,3	2,9	97,1



Республика бўйича иқтисодий фаолият турлари бўйича
жами қурилиш ишлари

улуши, % да



Иқтисодий фаолият турлари бўйича қурилиш ишларининг асосий қисми қурилиш, турар жой ва яшаш учун мўлжалланган ҳамда яшаш учун мўлжалланмаган бинолар қуриш бўйича амалга оширилган қурилиш ишларидан ташкил топди.

Бинолар ва иншоотларни қуриш бўйича қурилиш ишлари таркибида йирик қурилиш ташкилотлари томонидан бажарилган қурилиш ишлари улуши 27,1 % ни ташкил этиб, 2019 йилнинг январь-март ойларидаги кўрсаткичга нисбатан 0,9 % пунктга камайдди.

Ушбу фаолият турида кичик корхона ва микрофирмалар ҳиссасига тўғри келган улуш 2019 йилнинг январь-март ойларидаги кўрсаткичга нисбатан 3,3 % пунктга кўпайиб, 46,5 % ни ташкил этди.

Норасмий секторнинг улуши эса 2019 йилнинг январь-март ойларидаги кўрсаткичга нисбатан 2,4 % пунктга камайиб, 26,4 % ни ташкил этди.

Фуқаролик объектларини қуриш бўйича йирик қурилиш ташкилотлари томонидан бажарилган қурилиш ишлари ҳажмининг улуши 44,3 % ни ташкил этди ва 2019 йилнинг январь-март ойларига нисбатан 7,1 % пунктга кўпайди.

Шунингдек, кичик корхона ва микрофирмалар улуши мос равишда 55,5 % (5,3 % пунктга камайиш) ҳамда норасмий секторнинг улуши 0,2 % (1,8 % пунктга камайиш) ни ташкил этди.

Ихтисослаштирилган қурилиш ишлари таркибида йирик қурилиш ташкилотлари томонидан бажарилган қурилиш ишлари ҳажмининг улуши 2019 йилнинг январь-март ойларига нисбатан 6,7 % пунктга камайди ва 13,8 % ни ташкил этди. Қолган 86,2 % и кичик корхона ва микрофирмалар ҳиссасига тўғри келиб, 2019 йилнинг январь-март ойларига нисбатан 6,7 % пунктга кўпайди.

Худудлар кесимида қурилиш ишлари
(2020 йил январь-март)

млрд. сум

	Қурилиш ишлари - жами	Ўсиш суръати, % да	Шу жумладан янги қурилиш, реконструкция, кенгайтириш ва техник қайта қурулантириш
Ўзбекистон Республикаси ¹⁾	15 462,4	106,5	11 925,7
Қорақалпоғистон Республикаси	664,8	100,4	478,0
<i>вилоятлар:</i>			
Андижон	791,7	106,1	523,2
Бухоро	918,6	111,4	573,5
Жиззах	481,9	106,4	386,3
Қашқадарё	1058,6	104,7	811,1
Навоий	701,7	108,0	544,2

¹⁾ Худудлар бўйича тақсимланмаган ҳажмни қўшган ҳолда.

давоми

	Қурилиш ишлари -жами	Ўсиш суръати, % да	Шу жумладан янги қурилиш, реконструкция, кенгайтириш ва техник қайта қуролантириш
Наманган	690,0	133,9	549,4
Самарқанд	838,9	108,2	692,2
Сурхондарё	841,2	110,7	720,4
Сирдарё	293,4	101,1	205,6
Тошкент	951,6	102,0	693,9
Фарғона	990,1	107,3	665,5
Хоразм	532,7	107,0	440,4
Тошкент ш.	3325,3	103,6	2260,1

2020 йилнинг январь-мартида республиканинг бешта ҳудудида энг юқори ўсиш суръатлари қайд этилган қурилиш ишлари:

Наманган вилояти:

- вилоят бўйича юқори волтли электр узатиш линияларини қуриш;
- Гулистон-Бука-Ангрен-Қўқон-Андижон автомобил йўлида таъмирлаш ишлари;
- Тўрақўрғон ИЕСдан Андижон вилоятига 110 км узунликдаги янги электр узатиш линиясини қуриш.

Бўхоро вилояти:

- Учқара насос станцияси қурилиши;
- Жайрон ва Жанубий кемачи конларининг қудуқларида монтаж ишлари.

Сурхондарё вилояти:

- Қорақўл тумани сув олиш иншоотларини қуриш, Поп туманида Карманин - кўк сув омборини қуриш;
- Шеробод туманидаги "К-2", "К-3", "К-7", "К-11" хўжаликлараро коллекторларни мунтазам таъмирлаш ва реконструкция қилиш.

Самарқанд вилояти:

- "Самарқанд" халқаро аэропорти ва М37 йўлининг қурилиши;
- Самарқанд тумани "Оҳалик" ҚФЙда ички йўللарни таъмирлаш;
- "Самарқанд сити" қурилиши

Статистик кўрсаткичларга изоҳлар

Номолиявий активларга киритилган инвестициялар – бу реал маблағларни яратишга йўналтирилган инвестициялар бўлиб, қуйидагиларни ўз ичига олади: асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар, капитал таъмирлашга харажатлар, номоддий активларга киритилган инвестициялар (патентлар, лицензиялар, дастурий маҳсулотлар, ер майдонларидан ва табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқлари ва бошқалар).

Асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларга - барча турдаги қурилиш ишларига қилинган харажатлар; асбоб-ускуналарни монтаж қилиш бўйича харажатлар; машина, асбоб-ускуналар (монтаж талаб этиладиган ва талаб этилмайдиган), транспорт воситалари, жиҳоз ва хўжалик инвентарини сотиб олиш; бошқа капитал ишлар ва харажатлар киради. Асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар, илгари бошқа ташкилотларнинг асосий фондларида ҳисобга олинган асбоб-ускуналар, бинолар ва иншоотлар (ёки уларнинг эҳтиёт қисмлари)ни сотиб олишга қилинган харажатларсиз келтирилган.

Чет эл инвестициялари – асосан келгусида фойда олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги корхона ва ташкилотларга киритилган чет эл капитали.

Инвесторлар – юридик ва жисмоний шахслар бўлиб, қарорларни қабул қилувчи ва ўз маблағлари, қарз маблағлари ёки жалб қилинган маблағларни инвестиция кўринишида инвестицион лойиҳаларга киритишни амалга оширувчи ҳамда улардан мақсадли фойдаланилишини таъминлаб берувчи инвестицион фаолият субъектлари ҳисобланади.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар – бу корхонага тўлиқ эгалик қилувчи ёки корхона акционерлик капиталининг 10 фоизидан кам бўлмаган қисмини назорат қилувчи, яъни корхонани бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқи эга бўлган, тўғридан-тўғри хорижий инвестор юридик ёки жисмоний шахс томонидан киритилган инвестициялар.

Буюртмачилар – инвестицион жараённинг қатнашчилари. Буюртмачи сифатида инвесторнинг ўзи, шунингдек инвестор томонидан амалдаги корхоналарни, биноларни, иншоотларни янги қурилиши, қайта таъмирлаш, кенгайтириш ва техник қайта қуроллантиришни амалга оширишлари учун вакил этиб тайинланган жисмоний ва юридик шахслар фаолият кўрсатишлари мумкин. Шу билан бирга буюртмачи инвестицион жараён қатнашчиларининг тадбиркорлик ва бошқа фаолиятига, агарда улар орасидаги шартномада назарда тутилмаган бўлса аралашмасликлари лозим.

Пудратчи – капитал қурилиш учун пудрат шартномаси асосида бино ва иншоотларни қуриш бўйича қурилиш-монтаж, қайта таъмирлаш, капитал таъмирлаш ҳамда технологик ва бошқа ускуналарни монтаж қилиш, созлаш ва бошқа пудрат ишларини бажариш билан шуғулланади.